# ТУРФА ОЛАМ

### КЕЛИН ТАНЛАШ

● Ҳинд чойлари азалдан ва ҳанузгача жаҳонда машҳур. Ҳиндлар учун у нафақат ичимлик, балки таом ҳам. Бир пиёла чойдаги қувват бир тўғрам нонга тенг эканлиги аниқланган. Энди чойга сут, қаймоқ, сариёғ, асал ҳамда анвойи зираворлар қўшиб дамлайдиларки, бундай чой дарҳақиқат таом вазифасини ўтайди.

Деҳли, Мадорас, Калькутта каби ҳар бир вилоятнинг ўзига хос бўлган чой дамлаш усуллари мавжуд.

Бўлажак келин чой дамлашнинг ана шу усулларидан воқиф бўлиши шарт. Уйига ташриф буюрган меҳмон дастурхонига ўз таомилига кўра чой дамлаб қўйишни билиши керак.

● Австралиядаги таомилга кўра, келин студель номли таомни қандай тайёрлай олишига қараб танланар экан. Ушбу таом олма солиб пишириладиган рулет бўлиб, унинг хамирини шундай маҳорат билан қориш ва ёйиш зарурки, кўриниши ва нафислиги Вена қизларининг гўзаллигига монанд бўлсин.

### ҚИРОЛНИНГ МАРҲАМАТИ

● Саудия Арабистонида озодликдан маҳрум этилган жиноятчилар учун бир енгиллаштирувчи шарт бўлиб, унга биноан Қуръонни ёд олган жиноятчининг қамоқ муддати роппа-роса икки баравар қисқартирилади. Қуръон анчайин қалин китоблиги, унинг 114 бобни ташкил этувчи 80 минг сўздан иборат эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, қиролнинг бу марҳаматидан фойдаланиш нечоғли қийинлигини тасаввур қилиш мумкин.

### ПАРДОЗ-АНДОЗ ТАРИХИДАН

● Одамзод ҳусн-жсамолини очиш усули ва воситаси ҳисобланган пардоз санъати қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Рим, Юнонистон, Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Дастлаб пардоз-андоз эркаклар ўртасида авж олиб, кейинчалик бунга бутунлай аёллар эгалик қилиб олишган.

● Европада пардоз воситаларидан фойдаланиш ўрта асрларга келиб кенг тарқалади. XVII асрда упа модага киради. Уни тухум оқи билан аралаштириб баданга суркашган. Инглиз қироличаси Елизавета I юзга упа суртишни биринчи бор қўллаган.

● 1770 йили инглиз парламенти томонидан чиқарилган қонунда жумладан шундай дейилган:

Ҳар қандай аёл ёши, мавқеи, қиз ёки жувонлиги, эрлик ёки бевалигидан қатъи назар пардоз-андоз қилиб эркакларни ўзига оғдириб олса, ҳийлагар сифатида жазоланади, агар шу йўл билан эрга тегмоқчи бўлса, никоҳ ғайриқонуний деб ҳисобланади.

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Мутахассислар ҳисоблаб чиқишларича, асримиз охирига бориб дунёдаги 25 энг йирик шаҳарнинг 12 таси Осиёга тўғри келаркан. Улар орасида аҳолиси 16,5 миллионга етган Калькутта, Бомбей (16 миллион) ва Шанхай (14,3 миллион) шаҳарлари бор.

Шаҳар аҳолиси тез суръат билан ошиб, Ҳиндистонда 98 миллионга, Хитойда 73 миллионга, Индонезияда 25 миллионга, Таиландда 7 миллиондан ортиққа етаркан.


XXI аср

# „ҲОТАМТОЙ XXI АСР“

# АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР, ТАДБИРКОРЛАР ВА БИЗНЕСМЕНЛАР.

## БИЗ СИЗЛАРГА «ҲОТАМТОЙ XXI АСР» ФИРМАМИЗНИ ТАНИШТИРИШДАН БАҒОЯТ ХУРСАНДМИЗ.

«ҲОТАМТОЙ XXI АСР» фирмаси — бу бизнес, тадбиркорлик ва хайрия оламида Шарқнинг чарақлаётган юлдузидир. Фирмамиз мустақил Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги — фарзандларимизнинг бахтиёр келажаги йўлида фаолият кўрсатмоқда.

Фирма фаолияти серқирра, у ўзига хос хусусиятларга эгадир. Янги 1993 йилда «Меҳрибонлик» хайрия-лотереяси ўтказилади. Унда 100 та автомобиль, аудио ва видео техника, телевизорлар, совутгичлар, сайёҳлик йўлланмалари ҳамда 100 сўмдан 1 миллион сўмгача бўлган пул ютуқлари ўйналади. Лотереядан тушган маблағларнинг каттигина қисми хайрия мақсадларида сарфланади.

## ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИ 100 СЎМГА СОТИБ ОЛГАН ҲАР БИР КИШИ ЮҚОРИДА КЕЛТИРИЛГАН ЮТУҚЛАРДАН БИРОРТАСИНИНГ ЭГАСИ БЎЛИШИ МУМКИН. «МЕҲРИБОНЛИК» ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ЭТИШГА ШОШИЛИНГ.

## ЯНГИ 1993 ЙИЛДА «ҲОТАМТОЙ XXI АСР» ФИРМАСИ БАРЧАГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТ-САОДАТ, «МЕҲРИБОНЛИК» ЛОТЕРЕЯСИГА ЭСА ОМАД ТИЛАЙДИ.

*Бизнинг телефон: 32-54-75.*


# ҚАТРА ХАНДАЛАР

### ХАЛҚ ЮМОРИ

— Бармоғингга нега каноп бойлаб олдинг?
— Хатни почтага ташлашни унутма, деб хотиним бойлаб қўйди.
— Хўш, хатни жўнатдингми?
— Йўқ, хотиним хатни беришни унутибти.

* * *

— Нима, яна овқатинг тайёр эмасми? — жаҳли чиқди ишдан қайтган эрининг. — Тоқатим тоқ бўлди. Мен ресторанга кетдим.
— Беш минут сабр қилгин, жоним.
— Нима, беш минутда овқатинг пишадими?
— Йўқ, кийиниб олай, мен ҳам сен билан бораман.

* * *

— Ҳеч кимнинг хотираси менинг хотинимникига ўхшамаса керак.
— Нима, ҳамма нарса эсидан чиқиб қоладими?
— Аксинча, ҳаммасини эслаб қолади.

* * *

— Нима, бу кимё лабораториясими?
— Йўқ, бу хотинимнинг пардоз столи.

* * *

— Қизингизнинг фортепианодан олаётган сабоқлари роса қиммат турса керак?
— Аксинча, ўша сабоқлар туфайли қўшнимизнинг уйини ярим баҳосига арзон сотиб олдик.

* * *

— Эгизакларингиз кечаси билан бағирбуғур қилиб чинқишади, дейишади?
— Жудаям унақамас, — дейди ота. — Каттаси шунақанги чинқирадики, кичкинасининг овозини бутунлай эшиттирмай қўяди.

* * *

Эр телефон гўшасини кўтариб ўз уйи номерини терди.
— Хоним, бу сизмисиз?
— Ҳа, менман.
— Бу, мен эрингизман. Кечки овқатга икки дўстимни таклиф қилмоқчиман, қарши эмасмисиз?
— Жоним билан азизим, марҳамат қилинглар!
— Нима деганимни яхши эшитдингми?
— Кечки овқатга икки дўстимни таклиф қилмоқчиман. — дедингиз. Марҳамат қилинглар.
— Кечирасиз хоним, — деди эр телефон гўшасини қўйиб. — Янглишиб бошқа ёққа тушиб қолдим, шекилли.

* * *

Кўприк устида тўхтаган киши ёлғиз ўзи балиқ овлаётгандан сўради:
— Қалай, илиниб турибдими?
— Илинганда қандоқ! Кеча шу ердан қирқта лаққа тутдим.
— Биласизми мен кимман?
— Йўқ — жавоб берди балиқ овлаётган.
— Мен бу ерда бош судъяман, айни шу жойлар менинг тасарруфимда.
— Менинг кимлигимни сиз биласизми? — Шу заҳоти сўради балиқ овловчи.
— Йўқ.
— Мен бутун округга машҳур катта ёлғончиман.

* * *

Ёш бир жувон шифохона бош шифокори шу бўлса керак, деган тахминда оқ халатли аёлга мурожаат қилди:
— Бўлим мудири Суяровни қаердан топсам бўлади?
— Билсам бўладими, сиз кимсиз ўзингиз?
— Бўлади. Мен сингиллари бўламан.
— Шундай денг. Танишганимдан хурсандман. Мен Суяровнинг онаси бўламан.

* * *

— Нима, улар унаштирганликларини ҳали ҳам сир тутишяптими?
— Ҳа, ҳамма шунақа деяпти.

* * *

— Қизингизнинг қўлини сўрамоқчийдим, — деди жазмон йигит бўлажак қайнотасига мурожаат қилиб. — Розилик берсангиз.
— Розиман, бахтли бўлинглар. Лекин илтимос, доим менинг чўнтагимни қоқлайдиган қўлини олинг, барака топкур.

* * *

Ичкуёв: Шу... отангга қарзларим хусусида айтишга юрагим дов бермаяпти-да.
Келин: Мунча қўрқоқ бўлмаса бу эркаклар! Отам ҳам сенга ўз қарзларини айтишга журъат этолмаётир.


## ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ, ИСТАЛГАН МУРАККАБЛИКДАГИ МУҲРЛАР ВА ШТАМПЛАРНИ

1—7 КУН ИЧИДА ТАЙЁРЛАЙМИЗ.

ҲАҚ ТЎЛАШ — НАҚД ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

ТЕЛЕФОНЛАР 50-54-43, 50-92-19.

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси—91. (Собиқ Ш. Руставели), 63-хона.

**«Осиё бозори»—2.**






Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Халқ таълими вазирлиги қарамоғидаги ҳунар-техника билим юртлари, мактаб-интернатлар, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ўқув устахоналарида ва ўқув хўжаликларида халқ истеъмоли маҳсулотлари, саноат моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривож топди.

Ҳар ўқув йили якунида маҳсулотлар ярмаркаси ўтказиш анъана бўлиб қолган. Ярмаркада ўқувчилар қўли билан ясалган ёғоч маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, болалар ва катталар кийимлари, трикотаж буюмлари, қандолатчилик маҳсулотлари, ўқув хўжаликларида парвариш қилинган мева ва сабзавотлар сотилади.

Ярмарка пайтида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Улар орасида «Гулруҳ» ва «Ҳилола» халқ ансамбллари, «Тонг» эстрада оркестри, «Шаҳрун» фольклор ансамбли бор.

Ярмаркага ташриф буюрган меҳмонлар уй-рўзғорга керакли буюмларни харид қилиб, мусиқа ва рақсларни томоша қилишади, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг маҳоратини кўришади.

СУРАТЛАРДА: ўтган йилги ярмаркадан лавҳалар.

Д. АҲМЕДОВ олган суратлар.

● *Ҳикмат бир ҳовуч олтин*

## ОҚИЛЛАРНИНГ ТАДБИРИ

● Авваламбор бир ишни бошлашга қўл урма, бу оқилликнинг биринчи аломатидир. Агар қўл урдингми, уни албатта ниҳоясига етказ, бу — оқилликнинг иккинчи аломатидир.

● Оқил киши майда нарсани касб этиши учун катта нарсаларни нобуд қилмайди. Майда нарса билан катта нарсани сақлай олиш, бу ҳақиқий донишмандлик белгисидир.

● Ўзгаларга панд-насиҳат қилишда ҳамма асл донишманднинг ўзи бўлади-қолади. Аммо бу панд-насиҳатларга амал қилишга келганда эса донишмандларнинг ўзлари лол қолади.

● Оқил киши йўқолган нарсадан, ўлган кимсадан ва ўтмиш воқеадан ўксинмайди. Худди шу фазилатлари билан у телба-ю жоҳиллардан фарқ қилади.

● Нодон болалиги даврида фақат ўз ота-онасига, йигитлик чоғида маъшуқасига, қариликда эса фақат бола-чақаларига муте бўлиб, умр қандай ўтганини билмайди.

